ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01004

KLINIKA BINOSINING ZAMONAVIY LOYIXASINI GRAFIK DASTURLAR YORDAMIDA YARATISHDA SHAHARSOZLIK NORMALARI VA QOIDALARINING O'RNI

Nadim Axmad Taeb
Termiz davlat universiteti magistranti

Xumoyiddin Abdug'afforovich To'rayev
Ilmiy maslahatchi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada klinika binosining zamonaviy loyixasini grafik dasturlar yordamida yaratish metodikasihaqida fikr yuritiladi. Har qanday bino qurilishidan oldin ushbu bino qurilishi kerak bo;lgan shaharning narmalari va qoidalariga har tomonlama qaraladi va amal qilinadi. Maqolada shu haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: Grafika,Bino,Arxitektor, Muhandis, Loyiha, kompyuter.

THE ROLE OF URBAN PLANNING NORMS AND RULES IN CREATING A MODERN PROJECT OF A CLINIC BUILDING WITH THE HELP OF GRAPHIC SOFTWARE

ABSTRACT

This article discusses the methodology of creating a modern project of the clinic building using graphic software. Prior to the construction of any building, the rules and regulations of the city in which the building is to be constructed shall be thoroughly considered and followed. The article this discusses.

Keywords: Graphics, Building, Architect, Engineer, Project, Computer.

КИРИШ

Клиника биносининг замонавий лойихасини яратишда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини билиш жуда муҳимдир.Ушбу нормалар одамлар хавфсизлигини таъминлаш ва бино ва иншоотларнинг мўътадил самарали ишлашига, атроф мухитни муҳофаза қилишга, ҳамда буюртмачиларни (истеъмолчи) у ёки бу техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришишга йўналтирувчи, юқори ёки баланд комфортли биноларнинг айрим хусусиятлари ва параметрларини белгилашга (майдон таркиби ривожи ва оширилиши,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01004

муҳандислик жиҳозлари билан таъминланиш даражасини ошириш ва бошқалар) йўналтирилган мажбурий талаб ва параметрларни ўз ичига олади.

Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалашда СанПиН № 0231 талаблари ва ушбу нормалар талаблари ҳисобга олиниши зарур.

МЕТОДОЛОГИЯ

Амбулатория-поликлиника муассасаларининг хоналари таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғи бўйича бир сменада келувчиларга технологик ҳисоб қилиниб, 1-жадвал кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. [1.2]

Шифокорлар кабинети 3 тадан кўп амбулатория ва поликлиникаларда умумий даҳлиздан ташқари алоҳида болалар бўлими учун, тезкор ва кейинга суриб бўлмайдиган ёрдам бўлимлари, аёллар консультацияси ва бошқа бўлимларга кириш жойи назарда тутилиши керак.

1-жадвал

Хоналар	Хоналар майдони, $М^2$
Даҳлиз (клувчига 0,35 $м^2$ҳисобидан)	12 ва ортиқ
Регистратура, 1 регистраторга	10
Уйга шифокорни чақириш хонаси	12
Шифокор-мутахассислар қабули кабинетлари: - терапевт, невропатолог, эндокринолог, аллерго-лог, гематолог - хирург-стоматолог, травмотолог-ортопед - педиатор, кардиолог, психиатор - офтальмолог(қоронғи кабинаси билан) - дерматолог-венеролог, онколог, гинеколог, уролог (суюқлик чиқариб ташловчи кабинаси билан) - логопед, отоларинголог, фтизиатр - иглотерапия, физиотерапия	 12-14 14-18 15 26 (18+8) 18(14+4) 18 20
Муолажа-боғлаб қўювчи хона	12-18
Кичик операция , операция олди хоналари (хирург кабинети билан ёндош жойлаштирилсин)	22+8
Стерилизация	10
Массаж 1 столли	15
Кўриб қабул қилиш бокси алоҳида кириш жойи билан	14
Уколхона шифокор кабинети билан	20+10
Эмизик болаларни овқатлантириш хонаси	12

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01004

Эслатма:1.Кутиш жойи (йўлакда) аниқланиши бир вақтда кутиб турувчилари сони ҳисобидан: хар бир хонага (ёки муолажа хонасига) 4 киши ва бир кишига 1.2 $м^2$майдон.
2. Хожатхоналар аниқланиши бир вақтга келувчилар сони бўйича: 1 та сан. анжом 10 аёлга, ва 1 та -15 эркакка; аёллар шахсий гигиенаси кабинаси хожатхона таркибида (3 $м^2$).
3. Кундузги стационар палата хонаси 12-18 $м^2$майдонли қабул қилинади (катталар учун 1 ўринга 6 $м^2$, ёш болалар учун - 4,5 $м^2$.

- Тиб пунктлари, даволовчи пунктлар бир шифокор ва ҳамширага: кабинет (12 $м^2$), муолажа-боғлаб қўювчи (14-18 $м^2$), санитар комнатаси (4 $м^2$), хожатхона, душ хоналарини ўз ичига олиши керак.
- Изолятор бир койкага 6-7 $м^2$ҳисобидан лойиҳаланади. Изолятор қошида хожатхона душхонаси билан, ҳамшира пости назарда тутилади. Изолятор хоналари блокидан ташқарига чиқиш жойи бўлиши шарт.
- Рентген кабинетларининг муолажа хонасини ва нур билан даволовчи хоналарни, ишнинг класси I ва II бўлган радиоизатоп тажрибахоналарини болалар ва ҳомиладор аёлларнинг палаталарига чегарадош (горизонт ва тик сатҳларда) қилиб жойлаштириш мумкин эмас.
- Флюрография хонаси камида 20 $м^2$майдонли бўлиши шарт.
- Рентгенадиагностика кабинети битта протседура столи учун 30-35 $м^2$, иккитаси учун 45-48 $м^2$майдонли бўлиши керак.
- Бўлим ва поликлиниканинг физиотерапевт хонаси, муолажа хоналари муолажа жойлари сони бўйича ҳисобланади (битта кушеткага 6-9 $м^2$). Массаж, электр токи билан даволаш хоналари камида 14 $м^2$бўлиши шарт.
- Даволаш души, ваннаси ва балчиқ билан даволашлар учун муолажа ва технологик ўтиш йўлаклари бор бўлган зал хоналари кўзда тутилиши шарт; индивидуал кабиналар қошида битта ваннага ёки битта кушеткага ечинадиган жой, зарурат бўлганда душхона назарда тутилиши керак (балчиқ билан даволовчи муассасаларда).
- Касалхоналар палатали бўлимларининг, стационарларнинг асосий хоналари майдони 16-жадвалда келтирилган.Палатали сециялар, палаталар типлари (койкалар сони бўйича, майдони бўйича) СанПиН № 0231 га асосланган ҳолда технологик талаблар бўйича аниқланади. Палаталар хожатхонаси билан бўлиши зарур, 1-2 койкали палаталар тавсия этилади.
- Бир койкали палаталар камида 10 $м^2$ майдонли, уйларда касал ҳолидан хабар олувчиси ва доимий қаровчиси бўлганда бир койкали палата, қоида бўйича, камида 14 $м^2$ бўлиши керак.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01004

- Касалларнинг кундузи бўлишлари ва яқинлари билан учрашишлари учун холл-меҳмонхонаси бир койкага 0,3-0,35 м^2 майдон ҳисобидан, умумий майдон камида 15-20 м^2 бўлиши кўзда тутилади.
- Палаталар қошида, ҳамда холлар яқинида маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, лойиҳа топшириғига асосан ёзги хоналар назарда тутилади.

Клиник-диагностикаси тажрибахоналари лойиҳа топшириғиниг технологик талабларида берилиб СанПиН № 02 ва ҚМҚ 2.08.06 талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади.[3.]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Стационарларда операция хонаси, қоида бўйича, 2 та столга камида 40 м^{2}майдонли қилиб назарда тутилади; столи битта кичик операция хонаси камида 24 м^{2}майдонли бўлиши керак. Операция олд кириш хонаси камида 15 м^2, тез ёрдам кўрсатиш бўлимида эса камида 18 м^2 майдонли бўлиши керак.

Бўлимнинг ва касалларни тузалганидан сўнг кузатиш қабулхоналари ҳар бир бўлим учун алоҳида бўлиши керак (юқмайдиган, акушерлик, юқимли ва бошқа касалликлар қабулхоналари). Сиғдираолишлик миқдори 35 ўрингача бўлганда касаллар ва келувчилар учун умумий кириш жойини жойлаштириш мумкин, юқумли касалликлар бўлими бундан мустасно. Юқумли касалликлар бўлими учун касалларни қабул қилиш жойи ва тузалганлар учун кузатиш жойлари алоҳида бўлишини таъминлаш шарт. Қабул қилиш бўлимлари ўз ичига кутиш даҳлизини (камида 9 м^2), кўрикдан ўтказиш хонасини (9-12 м^2), хожатхонани, санитар комнатасини (8-12 м^2), нарсаларни ва тоза кийим-кечакни сақлаш хонасини (15-16 м^2), тузалганларга чиқариш хужжатини ёзиб бериш комнатасини (6-9 м^2), ходимлар учун хоналарни (маиший, кийим-кечак алмаштириш хоналари, хожатхона, душхона) олади. [2]

Овқатланиш блоки хоналарининг таркиби ва майдонлари, касаллар сонини ва ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, технологик ҳисоб-китоб орқали аниқланади (умумий майдон бир койкага 0,35-0,5 м^2 ҳисобидан қабул қилинади). Овқатланиш блокини юқмайдиган касалликларни даволаш корпуси ҳажмига кирган хоналарга алоҳида кириш жойи билан жойлаштириш мумкин.

Асосий хоналарнинг кенглигини камида қуйидагича қабул қилинади(м):

- даволаш хоналари - 3,2;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01004

- палаталар - 2,4;
- палаталарйўлаги - 2,2;

кутиш жойисиз йўлаклар - 2,0, кутиш жойи бор йўлаклар - 2,4÷2,8;

- тез ёрдам кўрсатиш, операция ва реанимация блоклари йўлаклари - 2,4÷2,8 (ва ортиқ);
- боғлаб қўйувчи ва кичик операция хоналари, кабинетлари: гинекология, урология, ортопедия, онкология, офтальмология ваотолорингология хоналари - 3,2-3,6 (жиҳозлари турига қараб);
- хирургия операция хонаси - 5,0;
- хожатхона қўл ювиш жиҳози билан (касаллар учун) - 1,65, ювиниш жойи билан қўшилган хожатхона - 2,2, хожатхона шлюзи - 1,4.

Эслатма: Параметрлари технологик талабларга қараб тўғирланади.

Операция, наркоз бериш, операция олди ва бошқа махсус хоналарнинг поли суюқлик ўтказмайдиган, енгил тозаланадиган ва дезинфекция эритмаси билан тез-тез тозалаб туришга ярайдиган бўлиши керак.Операция ва наркоз бериш хоналарининг поли статик электрланиб қолмайдиган бўлиши шарт.

Рентген кабинетлари ва электр ёруғлик билан даволаш кабинетларининг девор, перегородка ва полларининг пардози керамик плиткалардан бўлмаслиги шарт.

Аптека ўз ичига: савдо зали, тайёр дори-дармонларни сақлаш, дориворлар ва дори маҳсулотлари хоналари, дори-дармон тайёрлаш хоналари (ассистент, расфасовка, стерилизация, идишларни ювиш хоналари), хароратга чидамсиз дори-дармонлар музлатгич камераси бор омборчалар, кислота ва дезинфекция воситаларининг омборчаси, ходимларнинг маиший ва санитар-гигиеник хоналари, распаковка хоналарини олади. Хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик талабларга асосланиб тузилган лойиҳа топшириғи бўйича тайинланади.

Тайёр дори-дармон маҳсулотлари учун кичик дорихоналар ўз ичига: савдо залини (12-15 м^2), омборчани (6-8 м^2), маъмурий-маиший хонани (8 м^2), хожатхонани олади.

Ўз ичига биохимик ва бактериологик тажрибахонасини, ҳамда санитар-эпидемиологик хизмати хонасини оладиган тиб маркази ва мажмуаларини лойиҳалашда қўшимча ҚМҚ 2.08.06 талабларини ҳисобга олиш шарт.

Даволов-соғломлаштириш ва реабилитация йўналишидаги марказлар ва бинолarни лойиҳалашда қўшимча ШНК 2.08.03 талабларини ҳисобга олиш зарур.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01004

ХУЛОСА

Клиникани лойиҳалашдаги асосий масалаларга, клениканинг умумий композицион схемасини яратиш енг ижобий (оптимал) ҳажмий вазовий йечимини танлаш ва техник талабларни бажариш киради.Клениканинг композицион асосини аниқловчи омилларга умумий шаҳар қурилиши тасаввурлари кленика майдонининг структураси бўлинмалар тизими сигими, енг самарали қаватлилигини аниқлаш бўлинмаларнинг ўзаро техналогик боғланишлари, санитария-гигиеник талабларнинг характери ва даражаси киради.

REFERENCES

1. ШНҚ 2.08.02-09* Жамоат бинолари ва иншоотлари / Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш – Тошкент, ИВЦ AQATM, 2011-282 бет
2. X.Ubaydullayev “Turar joy va jamoat binolarini loyihalashning tipologik asoslari” Toshkent 2009-yil
3. ShNQ 2.07.01-03* Shaxarsozlik. Shahar va qishloq aholi punktlari hududlarini rivojlantirish va qurilishni rejalashtirish. T. O‘zbekiston Respublikasi Davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi. 2009
4. M.Inogamova “Turar joy va jamoat binolarini loyihalashning tipologik asoslari” Toshkent 2009-yil